## Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 93969 на приобретение Услуга по текущему ремонту зданий

Способ проведения электронный

Дата 03.06.2022

Время рассмотрения 03.06.2022 19:03

Конкурсная комиссия Бустонлик Тиббиёт бирлашмаси, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | RAXIMOV OBBOS ILYASOVICH | Руководитель | Бустонлик ТТБ |
| **Секретарь комиссии** | TULAGANOVA MUXABBAT AMONBOYEVNA | бухгалтер | Бустонлик ТТБ |
| **Член комиссии** | JORABEKOVA ROZA KUMISBEKOVNA | завхоз | Бустонлик ТТБ |
| **Член комиссии** | ALIAXUNOV BEXZOD BERDIYOROVICH | инженер | Бустонлик ТТБ |
| **Член комиссии** | SOIPOVA RANO YOQUBOVNA | профком | Бустонлик ТТБ |
| **Член комиссии** | ERGASHEVA ZUHRA ABDUKARIM QIZI | медсестра | Бустонлик ТТБ |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 03.06.2022 года № лота 93969.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 100.00 / Весовой коэф. ценовой части: .00)

Мин. балл: 20

Предмет закупки:

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуга по текущему ремонту зданий** |
|---|---|
| Подробное описание | Услуга по текущему ремонту зданий СОЙЛИК ОШП |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 86 390 164.00 |
| Стартовая сумма | 86 390 164.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Банкдан картотекада турмаслиги тўғрисида маълумот асл нусхаси тақдим этилиш керак

Тип: Текстовое значение

Описание: Банкдан картотекада турмаслиги тўғрисида маълумот асл нусхаси тақдим этилиш керак

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **BUXORO POLIZOL SERVIS МЧЖ** | 10 | мавжуд | 5 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО GRAND VERVE** | 10 | 79000000 | 10 | Экспертная | | |
| **ООО "Gidrotrans-servis"** | 10 | йук | 10 | Экспертная | | |
| **ООО TADBIRKOR MIRSHOD BUNYODKOR** | 10 | мавжуд | 10 | Экспертная | | |

Критерий №2 Курилиш сохасида кора руйхатда турмаслиги тугрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Курилиш сохасида кора руйхатда турмаслиги тугрисида маълумот

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **BUXORO POLIZOL SERVIS МЧЖ** | 10 | мавжуд | 10 | Экспертная | | |
| **ООО GRAND VERVE** | 10 | 79000000 | 5 | Экспертная | | |
| **ООО "Gidrotrans-servis"** | 10 | йук | 5 | Экспертная | | |
| **ООО TADBIRKOR MIRSHOD BUNYODKOR** | 10 | мавжуд | 10 | Экспертная | | |

Критерий №3 Ташкилотнинг Давлат идоралари рўйхатидан ўтказилаётканлиги хақидаги гувохнома мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Ташкилотнинг Давлат идоралари рўйхатидан ўтказилаётканлиги хақидаги гувохнома мавжудлиги

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **BUXORO POLIZOL SERVIS МЧЖ** | 10 | мавжуд | 10 | Экспертная | | |
| **ООО GRAND VERVE** | 10 | 79000000 | 10 | Экспертная | | |
| **ООО "Gidrotrans-servis"** | 10 | бор | 10 | Экспертная | | |
| **ООО TADBIRKOR MIRSHOD BUNYODKOR** | 10 | мавжуд | 10 | Экспертная | | |

Критерий №4 Танлов иштирокчилари томонидан коррупсия кўринишларига йўл қўйилмаслиги бўйича кафолат хатининг мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчилари томонидан коррупсия кўринишларига йўл қўйилмаслиги бўйича кафолат хатининг мавжудлиги

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| BUXORO POLIZOL SERVIS МЧЖ | 10 | мавжуд | 10 | Экспертная | | |
| ООО GRAND VERVE | 10 | 79000000 | 10 | Экспертная | | |
| ООО "Gidrotrans-servis" | 10 | йук | 5 | Экспертная | | |
| ООО TADBIRKOR MIRSHOD BUNYODKOR | 10 | мавжуд | 10 | Экспертная | | |

Критерий №5 Шунга ухшаш ишларни бажарилганлиги (охирги йиллик маълумот)

Тип: Текстовое значение

Описание: Шунга ухшаш ишларни бажарилганлиги (охирги йиллик маълумот)

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| BUXORO POLIZOL SERVIS МЧЖ | 10 | мавжуд | 10 | Экспертная | | |
| ООО GRAND VERVE | 10 | 79000000 | 10 | Экспертная | | |
| ООО "Gidrotrans-servis" | 10 | бор | 5 | Экспертная | | |
| ООО TADBIRKOR MIRSHOD BUNYODKOR | 10 | мавжуд | 10 | Экспертная | | |

Критерий №6 Қурилиш бўлаётган бинони сифатли бўлишига кафолат хати

Тип: Текстовое значение

Описание: Қурилиш бўлаётган бинони сифатли бўлишига кафолат хати

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| BUXORO POLIZOL SERVIS МЧЖ | 10 | мавжуд | 10 | Экспертная | | |
| ООО GRAND VERVE | 10 | 79000000 | 5 | Экспертная | | |
| ООО "Gidrotrans-servis" | 10 | бор | 5 | Экспертная | | |
| ООО TADBIRKOR MIRSHOD BUNYODKOR | 10 | мавжуд | 10 | Экспертная | | |

Критерий №7 Танлов иштирокчисининг иш хақи жамғармаси ва ходимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари (солиқ қумитасидан маълумотнома)

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчисининг иш хақи жамғармаси ва ходимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари (солиқ қумитасидан маълумотнома)

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **BUXORO POLIZOL SERVIS МЧЖ** | 10 | мавжуд | 10 | Экспертная | | |
| **ООО GRAND VERVE** | 10 | 79000000 | 5 | Экспертная | | |
| **ООО "Gidrotrans-servis"** | 10 | бор | 10 | Экспертная | | |
| **ООО TADBIRKOR MIRSHOD BUNYODKOR** | 10 | мавжуд | 5 | Экспертная | | |

Критерий №8 Пудратчи ташкилот категорияси, салохияти ва ККС билан ишлаши хакида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Пудратчи ташкилот категорияси, салохияти ва ККС билан ишлаши хакида маълумот

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **BUXORO POLIZOL SERVIS МЧЖ** | 10 | мавжуд | 5 | Экспертная | | |
| **ООО GRAND VERVE** | 10 | 79000000 | 5 | Экспертная | | |
| **ООО "Gidrotrans-servis"** | 10 | бор | 5 | Экспертная | | |
| **ООО TADBIRKOR MIRSHOD BUNYODKOR** | 10 | мавжуд | 5 | Экспертная | | |

Критерий №9 Ташкилот фаолият юритувчи ходимлар сони (Ф.И.Ш. лавозими хамда иш тажрибаси хақидаги тўлиқ маълумот, QR коди билан

Тип: Текстовое значение

Описание: Ташкилот фаолият юритувчи ходимлар сони (Ф.И.Ш. лавозими хамда иш тажрибаси хақидаги тўлиқ маълумот, QR коди билан

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **BUXORO POLIZOL SERVIS МЧЖ** | 10 | Мавжуд | 10 | Экспертная | | |
| **ООО GRAND VERVE** | 10 | 79000000 | 10 | Экспертная | | |
| **ООО "Gidrotrans-servis"** | 10 | бор | 8 | Экспертная | | |
| **ООО TADBIRKOR MIRSHOD BUNYODKOR** | 10 | Мавжуд | 5 | Экспертная | | |

Критерий №10 Солиқ органидан солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжут эмаслиги тўғрисида маълумотнома мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Солиқ органидан солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжут эмаслиги тўғрисида маълумотнома мавжудлиги

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | RAXIMOV OBBOS ILYASOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | ALIAXUNOV BEXZOD BERDIYOROVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

## Пудрат шартномаси № 25246

"7 " июнь 2022 йил Тошкент ш.

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган **Бустонлик ТТБ** номидан низом асосида иш юритувчи рахбар **А.И.Рахимов** бир томондан ва **«BUXORO POLIZOL SERVIS МЧЖ»** деб юритиладиган низом асосида иш юритувчи рахбар Х.Рахматов иккинчи томондан Объект номи **Бустонлик ТТБ Сойлик ОШП ни** жорий таъмирлаш объектни фойдаланишга тайёр ҳолда таъмирлаш доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

### I. Тарифлар

1. Мазкур шартномада қуйидаги тарифлар қўлланилади:

ижро ҳужжатлари – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

қурилиш майдони – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси.

Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

вақтинчалик иншоотлар – Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

беркитиладиган ишлар – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартнома нархини бўлиб чиқиш – ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

### II. Шартнома мавзуси

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига Тошкент вилояти Бустонлик туман тиббиёт бирлашмаси **Сойлик ОШП ни** жорий таъмирлаш объектни фойдаланишга тайёр ҳолда жорий таъмирлаш бўйича 100% қиймати бўйича қўшимча қиймат солиғи (ҚҚС) билан биргаликда **86 090 000,00 (Саксон олти миллион туксон минг)** сўмни ташкил этади. таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига жорий таъмирлаш ишларини қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### III. Шартнома бўйича ишлар қиймати

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган, танлов савдоси (тендер) натижасида аниқланган ва тендер комиссиясининг қарори (Тендер комиссяси қарори санасидаги Баённома рақами-сон баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда Шартнома қиймати биргаликда **86 090 000,00 (Саксон олти миллион туксон минг** ни ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

объектнинг курилиши бир йилдан ортикқа ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниклаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

## IV. Томонларнинг мажбуриятлари

7. Пудратчи шартнома мажбуриятларини ўз вактида бажармаган холларда, бюртмачига муддатини ўтказиб юборилганлар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг **0,5** % (фоиз) миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар суммасининг **50** фоизидан ошмаслиги керак.

8. Пеня (жарима) тулаш томонларининг зиммасидаги мажбуриятларини бажаришдан ёки бузулишларни бартараф килишдан озод етмайди.

9. Бажарувчи шартномада белгиланган суммани ўз вактида бўламаган тақдирда тўлов муддатини кечиктирган хар бир куни учун 0,4 % (фоиз) миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг туланмаган суммасининг **50** фоизидан ошмаслиги керак.

10. Мазкур шартнома шартларининг бажарилишмаслиги ёки тегишли даражада бажарилмаслиги учун томонлар Ўзбекистон Республикасининг фукоролик кодекси талабларида, "хўжалик юрутувчи субектлар фаолиятининг шартномавий хуқукий базаси тўғрисидаги " Ўзбекистон Республикаси конуни хамда Ўзбекистон Республикасининг бошка норматив хуқукий хужатларида назарда тутилган жавобгарбуладилар.

11. Бюрмачига хар чоракда бир маротаба кўрсатилаётган хизматларнинг сифати, ижарага берилган бино ва иншоатларнинг холатини маниторинг ўтказишга (Пудратчи молиявий фаолиятига аралашмаган холда) шароитлар яратиш.

12.Томонларнинг мазкур шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси худудида амалда бўлган фукоролик конунчилиги нормаларига муофик қўлланади.

## V. Буюртмачининг мажбуриятлари

13. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага Тегишли илова раками-иловага мувофик ишларни бажариш учун ярокли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва курилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва карор қабул килиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига Тегишли илова ракми-иловага мувофик аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб бир ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

## VI. Ишларни бажариш муддатлари

14. Шартнома:

миллий валюта «сўмда» ўзаро хисоб-китоб килинганда – томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда – шартнома қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

15. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

16. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан Қурилиш муддати кунни ташкил этади.

17. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

## VII. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

18. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг Бериладиган аванс миқдори 30 % (фоизи) миқдорида аванс ўтказади.

19. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади.

20. Объектнинг шартномавий жорий қийматининг қолган 70 % (фоизи) қурилиш тугаллангандан кейин объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан сўнг, тўлов амалга оширилади;

мазкур шартномада белгиланган кафолатли муддат тамом бўлгандан кейин-ишлар қийматининг Кафолат муддати тугагандан кейин тўланадиган миқдор фоизи миқдорида, бироқ молия йили тугамасдан амалга оширилади.

21. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

22. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

## VIII. Ишларни бажариш

23. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини – техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

24. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

25. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

26. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

27. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

28. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

29. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

30. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

31. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиклиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аникланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган холда тегишли тузатишларни ўз хисобидан киритади.

32. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

33. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вактинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

34. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, техник регламентларга ёки стандартларга мувофик бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдикловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

35. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан Объектни топшириш хақида хабардор қилиш муддати кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва «Даврхитектқурилишназорат» инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

36. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари хамда уларнинг «Даврхитектқурилишназорат» инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдикланади.

37. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

38. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу хақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у холда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофик беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз хисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар хисобланмайди.

39. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 34-бандининг иккинчи хатбошида кўрсатилган холлар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

40. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода саклайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

41. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида ахамиятга эга бўлган холлар ва холатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом

бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни Аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддати кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## IX. Ишларни қўриқлаш

42. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиши тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

43. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

## X. Форс-мажор ҳолатлари

44. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

45. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

46. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## XI. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш

47. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

48. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб Объектни қабул қилиш муддати кун мобайнида қабул қилиб олинади.

49. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан Ҳужжатларни тақдим этиш муддати кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

50. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

## XII. Кафолатлар

48. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, техник регламентлар ёки стандартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

49. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида Объектни ички тизими кафолат муддати ой этиб белгиланади. Объект томининг кафолатли муддати камида Объектни том қисми кафолат муддати ой этиб белгиланади.

50. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

51. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш «Даварxитектқурилишназорат» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича иқтисодий судга мурожаат қилишини истисно этмайди.

## XIII. Шартномани бекор қилиш

52. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

53. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

54. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

55. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

56. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## XIV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

58. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа конун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

59. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг Буюртмачи томонидан тўланадиган пеня миқдори фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг Буюртмачи томонидан тўланадигна пенянинг максимал миқдори фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

60. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг Буюртмачи томонидан тўланадиган жарима миқдори фоизи миқдорида жарима тўлайди.

61. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг Пудратчи томонидан тўланадиган пеня миқдори фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг Пудратчи томонидан тўланадигна пенянинг максимал миқдори фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг Пудратчи томонидан тўланадиган пеня миқдори фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг Пудратчи томонидан тўланадигна пенянинг максимал миқдори фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

62. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давархитектқурилишназорат» инспекциясининг хулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг Пудратчи томонидан тўланадиган жарима миқдори фоизи миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

63. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

64. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

## XV. Низоларни ҳал этиш тартиби

65. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иктисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

## XVI. Алоҳида шартлар

66. Мазкур шартнома имзолангандан кейин 31.12.2022 йилга қадар амал қилади, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

67. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

68. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

69. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

70. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

71. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

72. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган Шартнома нусхалари 2 (икки) нусхада тузилди.

## XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

| **Буюртмачи»** | **«Пудратчи»** |
| --- | --- |
| **Бустонлик ТТБ** | **«BUXORO POLIZOL SERVIS МЧЖ»** |
| **Адрес: г. Газалкент Ибн сино 2** | **Бухоро Вилояти** |
| **Лс:100022860272247073101054006** | **Бухоро ш.Т Фароги кўчаси 21** |
| **Банк: Тошкент ш., Марказий** | **р/с : 20208000200364473001** |
| **банкнинг Тошкент ш. ХККМ** | **Банк: Ипотека банк Бухоро ф-ли** |
| **ИНН 20[illegible] МФО 00014** | **ИНН: 30[illegible]45 МФО: 61110** |
| **Раҳбар ________ О.Н.Рахимов** | **Директор ________ Х.Рахматов** |

IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, ҳужжат коди: FG25180081 24

# Yuridik ahamiyatga ega hujjatlarning qonun hujjatlariga muvofiqligi to‘g‘risida huquqiy xulosa

**1. Loyihaning turi:** Shartnoma (Pudrat)

**2. Loyihaning nomi:** “BUXORO POLIZOL SERVIS” MCHJ va Bo’stonliq tuman Tibbiyot birlashmasi o’rtasida (pudrat) joriy ta'mirlash shartnomasi.

**3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot:**

Shartnoma loyihasi Bo‘stonliq tumani tibbiyot birlashmasi tomonidan 2022 yil 06 Iyun kuni ishlab chiqilgan va GK42435467 raqam bilan tizimga kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuriskonsulti M.Shukurov

2022 yil “07” Iyun

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси
Бухоро вилояти Давлат солиқ бошқармаси
Бухоро шаҳар Давлат солиқ инспекцияси
200100. Уй қурувчилар 2-уй. тел. (65)-225-66-31

**452244-сонли**

**МАЪЛУМОТНОМА**

Юридик шахс **"BUXORO POLIZOL SERVIS" MCHJ** Бухоро шаҳар давлат солиқ инспекциясида 302 994 645 - сонли СТИР рақам билан рўйхатга олинган ҳамда ГНИ Г.БУХАРА да бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар олдида **27.05.2022** ҳолатига солиқ қарзи мавжуд эмас.

Ушбу маълумотнома Давлат солиқ қўмитасининг расмий сайти орқали шакллантирилган ва чоп этилган

ДИҚҚАТ!

Маълумотномани ДСҚнинг «repository.soliq.uz» веб тизими орқали текшириб кўриш мумкин

*Мазкур маълумотнома корхона томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 34-моддасида келтирилган солиқ мажбуриятларини тўлиқ бажарилганлигини асосламайди.*

318528

**27.05.2022**

Маълумотномада кўрсатилган маълумотлар тўғрилигини текшириш учун мобил телефон ёрдамида QR-кодни сканер қилинг.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

Buxoro shahri

YURIDIK SHAXSNI DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZISH TO'G'RISIDA

# GUVOHNOMA

**Reestrdagi tartib raqami – 465** **№ 0000329**

**03.07.2014 yil**

**Mazkur guvohnoma** **«BUXORO POLIZOL SERVIS»**

**mas'uliyati cheklangan jamiyati**

(davlat tilidagi to'liq nomi)

(yuridik shaxs dehqon xo'jaliklari,fermer xo'jaliklari,

ajratilgan er uchastkasi va uning maydoni ko'rsatiladi **yuridik shaxsga berildi.**

| | | |
|---|---|---|
| **Tashkiliy - huquqiy shakli:** | THSH (ОПФ) | 1152 |
| **Mulkchilik shakli:** | MSH (ФС) | 142 |
| **Davlat ro'yxatidan o'tgan kundagi pochta manzili:** | MHOBT (СОАТО) | 1706401 |
| **Yuridik shaxs kodi:** | KTUT (ОКПО) | 25216864 |
| **Tarmoq kodi:** | XXTUT (ОКОНХ) | 61110 |
| **Soliq to'lovchining identifikasiya raqami:** | STIR (ИНН) | 302994645 |

**Qo'shimcha ma'lumotlar:**

**Inspeksiya rahbari** ________ **F.Baxramov**

***Бўстонлиқ тиббиёт бирлашмаси***

*Харид комиссиясига Бухоро вилоят Бухоро шаҳар **“БУХОРО ПОЛИЗОЛ СЕРВИС”** **МЧЖ**раубарй Х.Рахматов томонидан*

***КАФОЛАТ ХАТИ.***

*Мен Рахматов Хуршид Дилмуродович, **“БУХОРО ПОЛИЗОЛ СЕРВИС”** МЧЖ рахбари лавозимида ишлайман. Харид комиссияси томонидан №22110012093969-сонли лот билан ўтказилиши режалаштирилаётган харидларда ўз таклифимиз билан иштирок этиш истагини билдириб,*

*Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни (№684 22.04.2021 йил) қуйидаги моддалари билан танишиб чиқиб:*

*13-модда. Коррупцияга йўл қўймаслик принципи ;*

*14-модда. Манфаатлар тўқнашуви.*

*Харидлар жараёнида коррупцияга йўл қўймаслик ҳамда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслиги, иштирокимиз давомида очиқлик, шаффофлик ва инсофли рақобат принципларига таянишни кафолатлаймиз.*

*Мавжуд бўлган ёки тахмин қилинаётган манфаатлар тўқнашуви тўғрисида хабар топган холларда бу ҳақда бевосита давлат харидлари соҳасидаги ваколатли органни хабардор этилишини билдирамиз.*

***“БУХОРО ПОЛИЗОЛ СЕРВИС” МЧЖ*** ***Х.Рахматов***

BUXORO POLIZOL SERVIS

*«27» май 2022 йил*

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
«SENTR EKSPERTIZA
KONTROLNOGO OBMERA110»
Маъсуляти чекланган
жамият

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
TOSHKENT VILOYATI
«SENTR EKSPERTIZA
KONTROLNOGO OBMERA110»
Ma'suliyat cheklangan
jamiyat

*Manzil: Toshkent viloyati Chirchiq shahri 4-kichik nohiya xududida joylashgan A.Navoiy ko'chasi Avtoservis binosi*
*х/р А/Т Халқ банк 20208000305469811001 МФО:00785 ИНН: 309111574*
*Тел:+99893 629-63-79 +99893 627-81-79*

***BIZNING ShIOR: ADOLATLI, XOLIS, ZAMON TALABIGA MOS IShLASh!!***

«12» май 2022 й

*Объектларни қуриш, реконструкция қилиш,*
*мукаммал ва жорий таъмирлаш бўйича шаҳарсозлик ва лойиҳа ҳужжатларининг*
*лойиҳавий ечимларини шаҳарсозлик ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан*
*экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга 7-илова*
**КММБ: 09/21/579/0898-сон**
**18.09.2021 й.**

**Шахарсозлик хужжатларининг экспертиза**

**ХУЛОСАСИ**

**Лицензия ГосАрхитектор РУз №009380-04 от 17.11.2014 г.**

**«Тасдикланди»**
**Экспертиза булим бошлиги**
**А.А Абдуллаев**

## ЙИҒМА ЭКСПЕРТИЗА ХУЛОСАСИ №445

**Тошкент вилояти Бустонлик тумани кичик Сойлик МФЙ да жойлашган паликлиникани жорий таъмирлаш ишларига лойиха-смета хужжатларини тахлилий экспертизадан утказиш иши.**

| | |
|---|---|
| **Буюртмачи:** | **Бустонлик туман тиббиёт бирлашмаси** |
| **Бош лойихачи:** | **"DIAMOND NETWORK" ХК** |
| **Лицензия:** | **АЛ-001031** |
| **Молиялаштириш манбаи:** | **Махаллий бюджет** |
| **Бош пудратчи:** | **Тиббиёт бирлашма** |
| **Курилиш тури:** | **Жорий таъмир** |

**Лойихалаш учун асос.**

Курилиш майдонининг мухандислик-геологик тадкикотлари натижалари буйича хулосалар. Объект лойихасининг энергия самарадорлиги курсаткичлари буйича хулоса. Реконструкция ёки таъмирлашни талаб киладиган бино ва иншоотлар техник курикдан утказилганлиги буйича хулоса, архитектура режалаштириш топширигида барча КМК талаблари Тиббиёт бирлашма томонидан таъминланиши шарт. Экспертиза учун таклим этилган материаллар. Лойихани ишлаб чикиш боскичида "Ишчи лойиха ёки хужжатлар"нинг таркиби.

**Лойиха ечимларининг киская мазмуни**

*(мазмуни киска ва тушунарли булиши талаб этилади).*

Курилиш майдонининг шартлари *(геология, мустахкамлиги, хавфсизлиги, зилзилага бардошлиги, ёнгин хавфсизлиги ва бошкалар).*
Объектнинг бош режаси *(асосий техник-иктисодий курсакичи (ТИК), чегарадошлиги).*
Курилиш майдонининг жойлашган манзили.
Асосий лойиха ечимлари *(мустахкамлиги, хавфсизлиги (зилзилабардошлиги ва ёнгин хавфсизлиги) хамда техник жихатдан тартибга солиш тугрисида - лойиха таркиби параметрлари ва курсаткичлар ($м^2$, $м^3$)).*

**Лойихалашгирилаётган объектнинг мухандислик таъминоти:**

Ичимлик сув, электр энергияси, иссиклик таъминоти, канализация, сигнализация ва бошкалар *(лойихалашда техник шартларга риоя этганлиги ва бошка ечимлар).*

## Экспертиза натижалари.

1. Экспертиза жараёнида мутахасисларнинг изохларига мувофик:
Лойиха хужжатларига куйидаги асосий тузатишлар ва кушимчалар киритилади.
2. Экспертиза натижаларига кура кушимча киймат солиги (ККС) ва буюртмачининг бошка харажатлари билан **87 254 065 сум** микдорида такдим этилган лойиха кийматининг **863 901** сумга камайтирилиб, **86 390 164 сум** килиб белгиланди.
3. Хусусан:

| № | НАИМЕНОВАНИЕ ЗАТРАТ | Цена (тыс.сум) |
|---|---|---|
| 1 | Основная заработная плата рабочих-строителей | 12 608 221 |
| 2 | Отчисление на социальное страхование 1512,987 | 1 512 987 |
| 3 | Эксплуатация машин и механизмов | 1 888 283 |
| 4 | Строительные материалы, изделия и конструкции с учетом транспортных услуг (5%) | 30 879 569 |
| 5 | Оборудование | 20 022 059 |
| 6 | Итого: | 66 911 119 |
| 7 | Прочие затратм подрядчика (17%) | 7 971 140 |
| 8 | Затратм на страхования объекта | 239 623 |
| 9 | Итого стоимость в договорньгх тек> щих ценах без чета НДС | 75 121 882 |
| 10 | Всего стоимость в договорнь(х текуших ценах с учетом НДС | 86 390 164 |

EKSPERT TEKSHIRDI

SENTR EKSPERTIZA

Экспертиза булим бошлиги ____________ А.А Абдуллаев.

3. Якуний харажат буюртмачи ва пудратчи томонидан курилиш тугагандан сунг назорат улчови натижалари асосида аникланади.
4. Буюртмачи лойиха хужжатларини тасдиклашдан олдин белгиланган тартибда барча манфаатдор ваколатли органлар билан келишиши лозим.
5. Экспертизадан утказиш учун такдим этилган лойиха хужжатларининг туликлиги, маълумотларнинг ишончлилиги юзасидан буюртмачи ва кабул килинган лойиха ечимлари юзасидан ишлаб чикувчи жавобгар хисобланади.

## Хулосалар.

Экспертиза натижаларини хисобга олган холда паликлиниканя жорий таьмирлаш ишчи лойихаси ва бинони курилиши якунлангандан сунг фойдаланишга кабул килинишидан олдин техник курикдан утказилиб, вилоят курилиш назорат инспексияси инспекторлари иштирокида актлар имзоланиб, амалдаги тартиб коидалар асосида фойдаланишга тавсия этилади.

Ушбу экспертиза хулосасида курсатилган суммада шартнома тузиш шарт дейилгани эмас. Экспертиза хулосаси тавсиявий ахамият касб этиб, буюртмачини пудратчи билан тузиладиган шартномада асос булиб хизмат этмайди.

EKSPERT TEKSHIRDI

**Ижрочи мутахассис:** **А.С Корабоев**

**Экспертиза булим бошлиги:** **А.А Абдуллаев**

4600913

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

## GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"SENTR EKSPERTIZA KONTROLNOGO OBMERA110" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"SENTR EKSPERTIZA KONTROLNOGO OBMERA110" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

13.12.2021    1072343    ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 309111574

Tashkiliy-huquqiy shakli: Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi: Toshkent viloyati, Chirchiq shahri, 4 kichik nohiya xududida joylashgan A.Navoiy ko'chasi Avtoservis binosi,

Guvohnoma: Toshkent viloyati, Chirchiq shahri, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):

SENTR EKSPERTIZA KONTROLNOGO OBMERA110

2022-04-21 11:36:22

Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш вазирлиги

№ 5023-3962-60fb-66ce-cf50-7413-4481
Ҳужжат яратилинган сана: 2022-04-21
Ариза рақами: 49631727

Ҳужжат берилган: "SENTR EKSPERTIZA KONTROLNOGO OBMERA110" MAS`ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYAT
Қабул қилувчининг идентификация рақами: 309111574

## Қурилиш лойиҳаларини экспертизадан ўтказувчи юридик шахсларни аккредитациядан ўтказилганлиги тўғрисида
## ГУВОҲНОМА

Масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамият "SENTR EKSPERTIZA KONTROLNOGO OBMERA110" mas'uliyati cheklangan jamiyati га қурилиш лойиҳаларининг экспертизасини ўтказиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига гувоҳнома берилди.

Гувоҳнома берилган сана: 21-04-2022 йил

Гувоҳнома рақами: ҚЛЭ-00183

Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР): 309111574

Юридик шахснинг почта манзили: Toshkent viloyati, Chirchiq sh., 4-kichik tuman, A.Navoiy ko'chasi

Гувоҳнома беш йил муддатга берилди.

XIDAYEV OYBEK XASANOVICH

Мазкур ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарорига мувофиқ Ягона интерактив давлат хизматлари порталида шакллантирилган электрон ҳужжатнинг нусхаси бўлиб, давлат органлари томонидан ушбу ҳужжатни қабул қилишни рад этишлари қатъиян тақиқланади. Ҳужжат ҳақиқийлигини repo.gov.uz веб-сайтида ҳужжатнинг ноёб рақамини киритиб ёки мобил телефон ёрдамида QR- кодни сканер қилиш орқали текшириш мумкин.

8422

OBMERA110

327306